

ИССИҚ СУВ ҲОЛИДАГИ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН
ФЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

2022 йил "06" 01

6601 -сонли

10
(худуд номи)

«TOSHISSIQUVVAT» ДУК (бундан кейин "Иссиқлик таъминоти корxonаси"
(корхона номи)

деб юритилади) номидан, Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари

(фамилия, исми, шарифи)

бир томондан,

Шоҳар Баҳо аф Раҳимов Ш. С. (бундан кейин "Истеъмолчи"
(корхона номи)

деб юритилади) номидан, Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари

Гр- Раҳ Раҳимов Ш. С. иккинчи томондан,
(фамилия, исми, шарифи)

қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича "Иссиқлик таъминоти корxonаси" иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришни, "Истеъмолчи" эса истеъмол қилган иссиқлик энергияси учун ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Томонлар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22 август 2009 йилдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган "Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширадилар.

1.3. Шартноманиннг умумий миқдори *

сўми ташкил қилади.

Шу жумладан: сўм

бюджет маблағларидан, сўм

бюджетдан ташқари маблағларидан сўм.

II. УЗАТИЛАДИГАН ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ

2.1 "Иссиқлик таъминоти корxonаси" "Истеъмолчи"га 2022 йил "01" 01 кунидан 2022 йил "31" 12 кунигача бўлган даврда 52093 Гкал/соат энг катта иссиқлик юкласи билан иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришга мажбур, бунда:

а) хоналарни иситишга 03578 Г кал/с, ташқи муҳит ҳарорати -14 град.С бўлганда;

б) шамоллатишга - Гкал/с, ташқи муҳит ҳарорати - град.С бўлганда;

в) иссиқ сув таъминоти учун 0,06268 Гкал/с;

г) технологик эҳтиёжлар учун 0,0026 Гкал/с;

2.2 "Истеъмолчи"га иситиш ва шамоллатиш учун "Иссиқлик таъминоти корxonаси" томонидан бериладиган иссиқлик энергияси миқдори ташқи муҳитнинг ҳароратига қараб белгиланади, ишлаб чиқариш ва иссиқ сув таъминоти мақсадлари учун эса "Истеъмолчи" томонидан тақдим этилган ва "Иссиқлик таъминоти корxonаси" билан келишилган бир суткалик истеъмол жадвалига асосан белгиланади ва йил чорақлари бўйича қуйидагича бўлинади:

* Изоҳ: бюджет ташкилотлари сарф-харажатларининг йиллик сметаси тегишли молия идораларида рўйхатдан ўтказилгунча шартнома миқдори ва қиймати бюджет ташкилотларининг вақтинчалик харажатлар сметасига биноан кўрсатилади.

Давр	Иссиқлик энергиясининг миқдори Гкал			Жами узатишган иссиқлик энергиясининг миқдори Гкал	Бир суткалик узатиладиган иссиқлик энергиясининг миқдори Гкал
	Технологик этибастар	иситиш ва шамоллатиш учун	иссиқ сув таъминоти		
1	2	3	4	5	6
I чорак		402 5602	135 3888	537 9490	
Январь		159,7666	46,6339	206,4005	
Февраль		127,2292	42,1210	169,3501	
Март		115,5645	46,6339	162,1984	
II чорак			179,3915	129,3215	
Апрель			32,6080	32,6080	
Май			46,6339	46,6339	
Июнь			45,1296	45,1296	
III чорак			130,8758	130,8758	
Июль			46,6339	46,6339	
Август			46,6339	46,6339	
Сентябрь			32,6080	32,6080	
IV чорак		267,8010	138,3974	406,2985	
Октябрь			46,6339	46,6339	
Ноябрь		122,0402	45,12960	172,1698	
Декабрь		140,8609	46,6339	187,4948	
Жами		640,4612	534,0336	1204,4948	

23. Харорат жадвалига мувофиқ фарқ қилиши $\pm 3\%$ дан кўп бўлмаган ташқи ҳаво хароратига нисбатан иссиқлик манбалари коллекторларидан берилмаётган тармоқ сувининг ўртача суткалик хароратини ушлаб туриш; 7см.п.т.р. 25/70°C

24. "Истеъмолчи" куйидагиларга риёқ этиди:

- а) тармоқ суви сарфининг ҳисоблаб чиқарилган миқдори 15,46467 м³/соатдан ошмаслиги;
 б) иссиқлик тармоғидан олинадиган сувнинг энг катта миқдори 16,94156 м³/соат;
 в) тармоқдан сизиб чиқадиган (йўқотиладиган) сувнинг миқдори 0,04361 м³/соатдан кўп бўлмаслиги;
 г) қўйиш тармоғидаги сувнинг ўртача суткалик харорати жадвалидаги миқдорга нисбатан 3°Cдан юқори бўлмаслиги.

Тармоқдан олинадиган сувнинг энг катта миқдори "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан ростлагич (регулятор) ёки сурилма қўлқўқ ёрдамида белгиланади. Элеватордаги торайтирувчи қурилмаларни алмаштириш "Иссиқлик таъминоти корхонаси" билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

25. "Истеъмолчи"нинг қўйиш магистраль тармоғидаги сув босими, маҳаллий таъминоти тўлиқ тўлдирилишини таъминлаши лозим, ақс ҳолда "Истеъмолчи" иссиқлик қарувчи қурулди ростлагич (регулятор) ўрнатади.

III. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИННИНГ НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Иссиқлик энергияси учун тўловларни амалга оширишнинг ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.2. "Истеъмолчи"га етказиб берилган иссиқлик энергиясининг миқдори ВТ14. да

ўрнатилган ҳисобга олиш приборларининг СВТУ-10М; № 05886

(ҳисоблагич тури, номер, ривож)

кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

3.3. "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг объектларида ўрнатиладиган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари "Истеъмолчи" томонидан сотиб олинади ва ўрнатилади, "Ўзстандарт" агентлигида аттестациядан ўтказилгандан кейин шартнома асосида "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг хизмат кўрсатишига ўтказилади.

"Истеъмолчи"да ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари "Истеъмолчи"нинг ўзи томонидан эксплуатация қилинади ва таъмирланади.

3.4. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш даври мобайнида иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташдан олдинги охириги 15 сутка учун ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади. "Истеъмолчи"нинг балансидаги иссиқликни ҳисобга олиш приборлари таъмирлаш учун 15 суткагача бўлган муддатга тўхтатилганда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб приборлар тўхташдан олдинги охириги 15 сутка учун ўртача суткалик сарф бўйича, 15 суткадан кўп бўлган муддатга тўхтатилганда эса — ҳисоб-китоблар шартномадаги бир соатлик юклама ва иссиқлик энергиясини узатиш соатлари сони бўйича амалга оширилади.

"Истеъмолчи" ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш тугагунгача истеъмол қилишни тўхтатиб туришга ҳаққидир, бу ҳолда "Иссиқлик таъминоти корхонаси" беркитиш арматурасини plombалайди ва бу ҳақда биргаликда далолатнома тузилади.

3.5. Ҳисобга олиш приборларини бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар бўлиниш чегарасидан ҳисобга олиш приборлари ўрнатиладиган жойгача бўлган участкадаги иссиқлик энергияси йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Йўқотишларнинг ҳисоб-китоби "Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун иссиқлик юкламаларини, ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфлари меъёрларини ҳамда технологик йўқотишлар меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Йўқотишларнинг ҳисоб-китоби "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан "Истеъмолчи" билан биргаликда тармоқларнинг мансублиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади ва икки томонлама далолатнома тузилади.

3.6. Қуйидаги ҳолларда тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари "Истеъмолчи" томонидан шартномавий нархлар бўйича тўланади:

иссиқлик тармоқларининг гидравлик ва ҳароратли синовлари ўтказилиши билан боғлиқ йўқотишлар ўрнини тўлдириш;

"Истеъмолчи" тармоғини унинг бузортманомаси бўйича тўлдириш, аварияли вазиятлар ҳам шу жумлага кирadi;

"Истеъмолчи"дан қайтариладиган паст сифатли (таркибида темир, механик қоринималар ва бошқалар мавжуд бўлган) орқага қайтадиган тармоқ сувини сиқдириш.

3.7. "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг айби билан юз берган тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари учун "Истеъмолчи" томонидан ҳақ тўланимайди.

3.8. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи"нинг иссиқлик тармоқлари баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасигача иссиқлик энергиясини етказиб бериш бўйича барча харажатлар ва унинг йўқотишлари тарифларда ҳисобга олинган бўлиб, тарифлардан ортиқча қўшимча ҳақ тўланишига йўл қўйилмайди.

3.9. Иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасидан кейин иссиқлик энергиясининг барча харажатлари ва йўқотишлари "Истеъмолчи"нинг ҳисобига тегишли бўлади, Агар иسسик сув "Истеъмолчи"нинг иссиқлик тармоқлари орқали узатилса иссиқлик энергияси миқдори электр станцияси (туман қозонхонаси) коллекторида ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

3.10. "Истеъмолчи" ҳар ойда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади ва ҳар ойнинг 30 санасигача истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисоботни (санв кўрсаткичи)

"Иссиқлик таъминоти корхонаси"га тақдим этади.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисобот "Истеъмолчи" томонидан белгиланган муддатда тақдим этилмаса, "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ҳисоб-китобини шартномадаги иссиқлик юкламаси бўйича амалга оширади. Амалда истеъмол қилинган иссиқлик энергияси миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш, соз ҳолатдаги ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичлари биргаликда ёзиб олиниб, тегишли далолатнома тузилгандан кейин амалга оширилади. Мазкур қайта ҳисоб-китоб, кейинги ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб қилишда эътиборга олинади.

Иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилганидан сўнг "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан "Истеъмолчи" билан биргаликда ҳисоблагичларнинг

кўрсаткичи ва ҳақиқий истеъмол қилинган иссиқлик энергияси бўйича ҳисобот расмийлаштирилади (4-Илова), у узатилган ва истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини ҳисобга олишнинг бирламчи ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари тақдим этилган бўлса, улар бўйича ҳисобот бир томонлама тартибда тузилади.

"Иссиқлик таъминоти корхонаси" истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китобни ўрнатилган шакл (5-Илова) бўйича амалга оширади ҳамда ҳисоб-варақасини ёзиб "Истеъмолчи"га тоширади.

Шу билан бир вақтда "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ҳисоб-варақасига асосан хизмат кўрсатувчи банк орқали "Истеъмолчи"нинг ҳисоб рақамидан акцептсиз равишда ечиб олиниши учун ҳисобот ойнага ҳисобланган ва амалга оширилган тўловлар суммаси айирилган қиймат бўйича тўлов талабномасини тақдим этади.

"Истеъмолчи" ҳар ойда иссиқлик энергияси учун Шартномавий миқдорнинг 15 (фониз кўрсатилгани)

фониз миқдорда тариф бўйича қонучилик билан ўрнатилган тартибда олдиндан тўловни амалга оширади.

3.11. "Истеъмолчи" томонидан ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларидаги нуқсонлар ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда йўл қўйилган хатолар аниқланган тақдирда "Истеъмолчи" бир ҳафта мuddатда бу ҳақда "Иссиқлик таъминоти корхонаси"га ариза бериши керак.

Ҳисобга олиш приборларини текшириш тўғрисида ариза берилиши "Истеъмолчи"ни у истеъмол қилган иссиқлик энергияси учун тўловни белгиланган мuddатда тўлашдан озод қилмайди.

3.12. Узатилган иссиқлик энергияси учун "Истеъмолчи" "Иссиқлик таъминоти корхонаси"га 1Гкал учун 162 989,55 сўм тарифи бўйича тўлайди.
(парки)

3.13. Тўлиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг миқдори ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Чеклаш вақти "Иссиқлик таъминоти корхонаси" диспетчерлик хизматининг оператив дафтаридаги ёзувлар бўйича аниқланади ҳамда икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

"Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг айби билан "Истеъмолчи"нинг технологик эҳтиёжларига иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, ҳисобга олиш приборлари бўйича, иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган сўтқадан олдинги 3 сўтқадаги иссиқлик энергиясининг ўртача суткалик истеъмоли билан иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган сўтқада амалдаги истеъмол ўртасидаги айирма сифатида аниқланади.

3.14. Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг нотўғрилиги ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда хатоларга йўл қўйилганлиги тасдиқланган тақдирда "Иссиқлик таъминоти корхонаси" охириги ҳисоб-китоб давридаги иссиқлик энергияси сарфини тегишли равишда, "Истеъмолчи"нинг вакиллари билан биргаликда далолатнома тузиб, қайта ҳисоб-китоб қилишга мажбур.

Йўл қўйилган хатолар бўйича бажарилган қайта ҳисоб-китоб кейинги ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун навбатдаги тўлов ҳужжатини ёзишда ҳисобга олинади.

3.15. "Истеъмолчи"ларга иссиқ сув эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган 40°— 45°С ҳароратдаги иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар иссиқ сув учун тариф бўйича 50 фонизли чегирма билан амалга оширилади.

3.16. Тарифлар ўзгарган тақдирда, улар амалга киритилган вақтдан бошлаб ҳисоб-китоблар, янги тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун "Истеъмолчи" томонидан тўловлар, ҳисоб-китоб ойдан кейинги 30 календарь кун мобайнида амалга оширилади.

3.17. Шартномавий иссиқлик юкламасини ўзгартириш "Истеъмолчи"нинг буюрмасига кўра "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. "Истеъмолчи"нинг ҳуқуқлари:

а) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига мувофиқ иссиқлик таъминоти корхонасидан иссиқлик энергиясининг узлуқсиз етказиб берилишини талаб қилиш;

б) иссиқлик энергиясини етказиб бериш режимини назорат қилиш, иссиқлик энергияси параметрларининг шартномавий миқдорлардан четта чиқишига йўл қўймаслик;

иссиқ сув етказиб бериш бўйича:

иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича - 3 фониздан ортик (+);

иссиқлик берувчи қувурда сувнинг босими бўйича 5 фониздан ортик (+);

орқага қайтадиган қувурда сувнинг босими бўйича - 20 кПа ортик (+) четта чиқишга йўл қўймаслик. Бунда параметрлар ўртача суткалик миқдор сифатида олинади;

в) "Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш" қондалари талабларига мувофиқ ўзининг иссиқлик тармоқларига субистемолчиларни улаш;

г) иссиқлик энергиясининг шартномавий параметрлари "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг иссиқлик энергияси истеъмолчини тўхтатиш Ушбу ҳолда "Иссиқлик таъминоти корхонаси" қонуи ҳужжатларида белгиланган тартибда "Истеъмолчи" олдида жавоб беради.

4.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

а) "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонушларига, "Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қондалари"га, "Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қондалари"га ҳамда "Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қондалари"га қатъий риоя қилиш.

б) иссиқлик энергияси учун иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган муддатларда ҳақ тўлаш;

в) "Иссиқлик таъминоти корхонаси" билан келишмасдан иссиқлик энергияси бир соатлик юкламаларнинг шартномавий миқдорини оширмаслик ҳамда иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича тузилган шартномага мувофиқ иссиқлик истеъмоли режимига риоя қилиш ва тармоқ сувининг олинмиши миқдорини оширмаслик;

г) иссиқлик истеъмоли режимига нисбатан "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг тезкор кўрсатмаларини бажариш;

д) тармоқ сувини иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда ва тегишли ҳароратда қайтариш;

е) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари, иссиқликни ҳисобга олиш приборлари, қурурлар изоляцияси ва иссиқликдан фойдаланувчи усқуналарни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

ж) иссиқлик энергияси истеъмолчини вақтинча тўхтатиш билан боғлиқ бўлган таъмирлаш ишларини бажариш муддатларини "Иссиқлик таъминоти корхонаси" билан келишини;

з) ҳисобга олиш приборлари, иссиқ сувни тўқши учун жұмрақлар, торайтирувчи қурилмалар ва арматурани "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг вақити билан биргаликда пломбалаш, ўрнатишга пломбаларнинг сақланишини таъминлаш Пломбаларни олиш "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг руҳсати билан амалга оширилиши лозим;

и) "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг вақилларини иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини сутканинг исталган вақтида тўсқинликсиз кўздан кечирилиши таъминлаш;

к) иссиқлик энергиясидан ноқиялона ва исрофгарчилик билан фойдаланилишига йўл қўймаслик;

л) иссиқлик тармоқлари устида иморатлар қурилашига, материаллар таҳзиялишига, дарактлар ўтказилишига йўл қўймаслик;

м) "Иссиқлик таъминоти корхонаси" билан келишмасдан иссиқлик тармоқларини, муҳандислик усқуналарини ва қурилмаларни қайта жиҳозлашга йўл қўймаслик;

н) иситиш приборларининг қўшимча секциялари, беркитиш ва бошқариш арматуралари ўрнатилишига ва чиқариб олинишига йўл қўймаслик;

о) иситиш тизимларида иссиқлик тармоқларидан бошқа мақсадларда фойдаланилишига (иситиш тизимлари ва приборларидан сув оқизилишига) йўл қўймаслик;

п) "Истеъмолчи" "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг балаясида турган иссиқлик тармоқларида, олдидан келишилган ҳолда амалга ошириладиган таъмирлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг вақилларини ўз ҳудудига киритиши лозим;

р) барча иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг ижро чизмалари ва паспортларига ҳамда эксплуатация қилиш йўриқномаларига эга бўлиш;

с) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига тайёргарлик қўрган ходимлар томонидан хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

т) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (бажариладиган ишлар) бярлигига, иссиқлик энергияси сарфининг меъёрларини ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш.

4.3. "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг ҳуқуқлари.

4.3.1. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" қуйидаги ҳолларда "Истеъмолчи"ни огоҳлантириб, унга иссиқлик энергияси етказиб беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:

а) иссиқлик энергияси учун тўлов ҳужжатида белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда ёки иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилмаганда;

б) субистемолчилар, яъни иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ўзбошимчалик билан уланганда;

в) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари "Ўздаэнеергоазорат" ДИ руҳсатисиз ишга туширилганда;

г) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ҳисобга олиш приборларидан олдин уланганда;

д) иссиқлик юктамаларининг белгиланган шартномавий миқдорлари ёки тармоқдаги сув сарфининг миқдори "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг розиялгисиз оширилганда;

е) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган бир соатда олиннадиган тармоқ сувининг миқдори оширилганда;

ж) тармоқдаги сув ифлосланганда;

з) "Иссиқлик таъминоти корхонаси" вакиллари иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини кўришга кўйилмаганда.

432. Усуналарни таъмирлаш бўйича режални ишларни амалга оширишда ёки янги "Истеъмолчи"ларни улашда захира таъминлаш манбаи мавжуд бўлмаса "Иссиқлик таъминоти корхонаси" "Истеъмолчи"ни узиб кўйиш ҳуқуқига эгадир.

"Истеъмолчи"ни иссиқлик энергияси етказиб беришнинг тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантириш иссиқлик энергияси етказиб беришда танаффуснинг аниқ санасини (кунлар ва соатлар) келишиш учун 10 кун олдин амалга оширилади. Агар огоҳлантиришдан кейин 5 кун муддатда "Истеъмолчи" иссиқлик беришдаги танаффус вақтини келишиб олмаса "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ушбу вақтни мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга.

Иссиқлик энергияси беришдаги танаффус, имкони борича, бу ҳақда узиб кўйишдан камда 24 соат олдин "Истеъмолчи"ни огоҳлантирган ҳолда, унинг ишдан ташқари вақтида амалга оширилиши керак.

433. Авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора тадбирларни кўриш учун "Иссиқлик таъминоти корхонаси", узиб кўйиш сабабларини дарҳол маълум қилган ҳолда, "Истеъмолчи"га иссиқлик энергияси етказиб беришни тўхтатиб кўйиш ҳуқуқига эга.

4.4. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" қуйидагиларга мажбур:

а) шартномага мувофиқ "Истеъмолчи"га иссиқлик энергиясининг узлуksиз етказиб берилишини таъминлаш;

б) "Истеъмолчи"да "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг объектда ўрнатилган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг тўғрисидаги бўйича шубҳа тугиладиган бўлса, "Иссиқлик таъминоти корхонаси", белгиланган тартибда, сутканинг исталган вақтида "Истеъмолчи" вакилларини иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришни таъминлаш лозим;

в) иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараларида иссиқ сув параметрларининг шартномага мувофиқ бўлишини таъминлаш, уларнинг:

иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича – 3 фоздан ортиқ (±);

сув босими бўйича:

иссиқлик берувчи қувурда - 5 фоздан ортиқ (±);

орқага қайтадиган қувурда - 20 кПа дан ортиқ (±) четга чиқишига йўл қўймаслик. Бунда параметрлар ўртача суткалик миқдор сифатида ҳисобга олинади;

г) "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг айби билан тўлиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергияси қийматини қоплаш Тўлиқ етказиб берилмаган энергия ҳажми "Истеъмолчи"нинг ваколи иштирокида "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан аниқланади ва далолатнома билан расмийлаштирилади;

д) "Истеъмолчи"нинг иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, иссиқлик элгувчи параметрларини шартномадаги қийматларга нисбатан пасайганлиги тўғрисидаги ёзма аризаларини 10 кун муддатда кўриб чиқиш;

е) иссиқлик тармоқларининг гидравлик ҳисоб-китобига мувофиқ "Истеъмолчи"нинг иссиқлик боғламалари учун торайтирувчи қурилмаларининг ўлчами (размер сужающего устройства) белгилаб берилади.

V. ШАРТНОМА БАЖАРИЛМАГАНДА ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРИЛМАГАНДА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Иссиқлик энергияси билан таъминлашда "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг айби билан танаффуслар юз берган тақдирда "Иссиқлик таъминоти корхонаси" иссиқлик таъминотидаги танаффуслар оқибатида "Истеъмолчи"га етказилган моддий зарарни қоплайди.

5.2. Иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, "Иссиқлик таъминоти корхонаси" "Истеъмолчи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслиги оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.3. Агар етказиб берилган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясининг сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, қонуи ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, "Истеъмолчи" иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини истеъмол қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, "Иссиқлик таъминоти корхонаси"дан сифати лозим даражада бўлмаган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириб олишга ҳақлидир.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясининг сифати лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4. Етказиб берилган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Истеъмолчи" "Иссиқлик таъминоти корхонаси"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.5. Ушбу шартноманинг бекор қилиниши ва амал қилиш муддатининг тугаши, "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи"ни турли ҳўранишдаги етказилган зарарни қоплаш ва истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини учун ҳараларни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

5.6. Иссиқлик истеъмолчи объектларининг иссиқлик тармоқларини ҳолати ва уларга хизмат кўрсатилиши бўйича жавобгарлик чегаралари "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи" ўртасида тузилган, иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублигини бўлиниш ва уларни эксплуатация қилиш юзасидан жавобгарлиги чегаралари далолатномаси билан белгиланади (1-илова).

5.7. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" иситиш тизими ёқилганида сув айланиши ва иссиқ сув таъминоти учун тармоқдаги сув узатилишини бир қувурдан бошқасига ўтказилиши билан боғлиқ бўлган ҳолда тармоқ суви сифатининг (шаффофлиги, ранги, ҳиди) вақтинча бузилишини учун жавобгар бўлмайди.

5.8. Иссиқлик энергияси тармоқларига ўзбошимчилик билан уланиш ёқуд улардан фойдаланиш қондаларини бошқача тарзда бузиш, иссиқлик энергияси, иссиқ суви ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикоят етказиш ёқуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартриш мақсадида уларга ташқаридан аралашиб Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига асосан маъмурий жао қўлланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185² - моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилади.

VI. ФОРС-МАЖОР

6.1. Томонлар қуйидаги ҳолатларда иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва истеъмол қилиниши тўхтатиш ёки қамайтиришга ҳақлидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайдилар:

а) "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ускуналарининг ишдан чиққишига сабаб бўлган табиий ҳодисалар: момақалдирик, бўрон, сув тошқини, зиззила, ёнғин, 48 соатдан ортиқ вақт мобайтида ушбу ҳудудда иситишни лойиқлаштириш учун ҳисоблаб чиқилган ҳароратдан 3⁰С га ва ундан ортиқ паст

булган ҳароратда ҳавонинг узоқ вақт совиб кетиши, бошланғич сув сифатининг ёмонлашиши ҳолатларида;

6) енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зиғина, кўчки, буроқ, қурғоқчилик ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фақулда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатларда;

6.2. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" тизимини аварияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ўтказиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда иссиқлик билан таъминлашда танаффусга (узиб қўйишга) ёки чеклашга йўл қўйилади.

6.3. Агар мажбур шартноманинг 6.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар томонлар ўз мажбуриятларини бажариш муддатларига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш вақтига сурилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, МУДДАТНИ УЗАЙТИРИЛИШИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 01.01.2022 йилдан 31.12.2022 гача амал қилади.

Амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин, агар тарафларнинг биридан шартномани ўзгартириш тўғрисида ёки бекор қилиш тўғрисида ариза тушмаса, ҳар йили узайтирилган ҳисобланади.

Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусxada тузилади, улардан биттаси "Иссиқлик таъминоти корхонаси"да, иккинчиси эса "Истеъмолчи"да сақланади.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, инзоли масалалар амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Тошкент туманлараро Иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

IX. ШАРТНОМАГА ИЛОВАЛАР

9.1. Ушбу шартномага қуйидагилар илова қилинади ва улар шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади:

а) "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи" ўртасида иссиқлик тармоқларининг балансига мансублиги бўйича бўлиниш чегараларини белгилаш далолатномаси (1-илова);

б) "Истеъмолчи"нинг ваколатланган масъул шахсини тайинлаш тўғрисида ишловнома (2-илова);

в) "Истеъмолчи" объектлари ва иссиқлик юктамалари ўрнашган жойлари (дислокацияси) тўғрисидаги маълумотнома (3-илова);

г) "Истеъмолчи" ташки иссиқлик таъминотининг принципал схемаси, унда жавобгарлик чегаралари ва ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилган жойлар кўрсатилган бўлиши керак.

д) Иситиш учун узатиладиган иссиқлик энергиясининг ҳарорат жадвали.

* Изоҳ: Бюджет ташкилотлари учун шартноманинг 7.1-банди 1 хат бопи қуйидаги тахрирда баён этилсин: "Мазкур Шартнома 20___ йилнинг 31 декабр гача амал қилади"

X. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ТАЪМИНОТЧИ»	«ИСТЕЪМОЛЧИ»
«TOSHISSIQQUVATI» ДУК	<i>Шоҳар бадалар оттинийев, соҳибдор</i>
Почта манзили: Тошкент шаҳар	Почта манзили: <i>Т. Шаҳарий, Чегма</i>
Фудкат кўчаси, 1а	<i>р.ч. м.к. Шаҳарий, 1/1/1</i>
Хисоб рақами: 2021 0000 9001 1895 6001	Хисоб рақами: <i>100018002020207340100010001</i>
«Ипотека банк» АТББ ТШФ Аммалёт Бонқармаси	Банк коди (МФО) <i>00014</i>
Банк коди (МФО) 00419	СТИР (ИНН) <i>203797702</i>
СТИР (ИНН) 200899030	Корхонанинг кодлари:
Корхонанинг кодлари:	1. КТУТ (ОКПО) бўйича корхонанинг
1. КТУТ (ОКПО) бўйича корхонанинг	коди <i>16385634</i>
коди <i>16385634</i>	2. МХОБТ (СОАТО) бўйича ўрнатган
2. МХОБТ (СОАТО) бўйича ўрнатган	жойи коди <i>1726277</i>
жойи коди <i>1726277</i>	3. МШТ (КФС) бўйича мулк шакли
3. МШТ (КФС) бўйича мулк шакли	коди <i>135</i>
коди <i>135</i>	4. ТХШТ (КОПФ) бўйича ташкилий-
4. ТХШТ (КОПФ) бўйича ташкилий-	ҳуқуқий шакли коди <i>1200</i>
ҳуқуқий шакли коди <i>1200</i>	5. ИФУТ (ОКЭД) бўйича асосий иш
5. ИФУТ (ОКЭД) бўйича асосий иш	фаолиятининг тури коди <i>35300</i>
фаолиятининг тури коди <i>35300</i>	6. Вазирлик (муассаса) номи:
6. Тел./факс: (71)227-00-35	<i>Сўғдиёна савдо ва саноат вазирлиги</i>
	7. Тармоқларнинг номи <i>10299255</i>
	8. Жорий вақтдаги тарифлар _____ сўм
	9. Истеъмолчининг тариф гуруҳи _____
Имзо _____	гуруҳ.
Мухр ўрни _____	«Бюджет маблағлари ҳисобидан
	молияланувчи ташкилотлар томонидан
	тудилрилиши лозим»
	10. Ҳаз/хр ¹ <i>2340200030100001010</i>
	11. ш/хр ² _____
	12. ш/хр ³ _____
	13. Ҳазначилик бўлими номи <i>Қуддат</i>
	<i>Шоҳарий</i>
	14. Кадастр рақами _____
	15. Тел./факс <i>312799202</i>
	Изоҳ: Томонлар ушбу бандда кўрсатилган (корхо-
	нанинг номи, манзили, ҳисоб рақами ва ҳисса)
	маълумотларга ўзгартиришлар киритилганини
	ҳақда ўз вақтида огоҳлантиришга мажбурдирлар.
	Имзо <i>✓ Ш.Ш. Шаймуродов Ш.С.</i>
	Мухр ўрни _____

Изоҳ: Ҳаз/хр¹ - тегишли Ҳазначилик ҳисоби кўрсатилади
 ш/хр² - бюджет маблағлари олувчининг Ҳазначилик бўлимларида очилган тегишли шаклий
 рақам (ёки шаклий рақамлари) кўрсатилади.
 ш/хр³ - бюджет маблағлари олувчининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шаклий ҳисоби
 ёки Ҳазначиликдаги талаб қилинган депозит ҳисоб рақами кўрсатилади.

Ҳуқуқшунос хулосаси: *қўриқ - Шаймуродов*

опр - Ш
 (имзо)
УБТ - Шаймуродов
 СММ С - Шаймуродов

(Ф.И.Ш.)

Иссиқлик энергиясини иссиқ сувда
етказиб бериш шартномасига
2 - илова

"Истеъмолчи"нинг ваколатланган масъул шахси тайинланганлиги тўғрисида

ИШОНЧНОМА

20 22 йил "06" 01 6601 -сон Тошкент шаҳри

"Истеъмолчи" Шоҳар Бахадир Ҳизматқули Сехатқоли
(корхона номи)

Ўзининг 20 ___ йил "___" _____ даги _____ - сонли буйруғи билан "Иссиқлик таъминоти корхонаси" билан алоқа қилиш ва иссиқлик энергиясини узатиш ва узатишни тўхтатиш билан боғлиқ бўлган турли хилдаги масалаларни келишиш учун ваколатланган масъул шахс этиб _____ ни тайинлади. л.

(жавобгар шахснинг Ф.И.Ш.)

Ваколатланган шахс билан алоқа қилиш учун ваколатланган шахснинг манзили ва телефони:

"Истеъмолчи"нинг раҳбари

Тожиқова Ш.С.
(Ф.И.Ш.)

✓ [Signature]
(имзо)



TOJIKOVA SH. S.
M. U.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси бўйича

Ҳ И С О Б О Т

20__ йил " __ " _____ ой учун

Кўрсаткичдан олинган кун 20__ йил " __ " _____

Т/р	Ҳисоб- лагич тур (ҳисоб- лагич номи тури, завод рақами	Тар- моқда узати- лаётган сувнинг сарфи ти.	Тар- моқдан қайта- ётган сувнинг сарфи ти.	Тармоқда узати- лаётган сувнинг ҳарорати t	Тармоқ- дан қай- таётган сувнинг ҳарорати t	Бирлам- чи (ис- ходной) сувнинг ҳарорати t	Иситиш- га ишла- тилган иссиқлик энергияси Г кал	Иссиқ сув таъминоти учун иш- латилган иссиқлик энергияси Г кал	Жами ишла- тилган иссиқлик энергияси Г кал

"Иссиқлик таъминоти корхонаси"
туман бошқармаси бошлиғи

_____ (Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

"Истеъмолчи"нинг ходими

_____ (Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

Рожнилова Ш.С. ✓ *[Signature]*

2022 йил 06.01 кундаги 6601 - сонли иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси етказиб бериш шартномаси

Ташкент ш.

06.01. 2022 й

Келгусида 'Етказиб берувчи' деб аталувчи, 'TOSHISSIQQUVATI' ДУК Низом асосида фаолият олиб борувчи 'Иссиқлик тарқатиш' бошқармаси Б.Х.Қодиров тимсолида бир томондан ва келгусида 'Истеъмолчи' деб аталувчи Шахар Болалар Фтизиатрия сихатгохи, иккинчи томондан, мазкур қўшимча келишувни ушбу тўғрисида туздилар:

1. Келишув предмети.

1.1 Давлат бюджетининг газначилик ижроси Қондаларига амал қилган ҳолда (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 22.12.2016 й. 2850-рақами билан рқйхатга олинган), шунингдек келгусида ҳамкорлик қилиш мақсадида 2022 йил 06.01. кундаги - 6601 - сонли иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси етказиб бериш шартномасига томонлар куйидаги қўшимчаларни киритишга қарор қилдилар:

1.2 2022 йил учун иссиқлик энергияси етказиб беришнинг умумий ҳажми, ҳаражатларнинг белгиланган сметасига кўра :

460,11000000 Гкал ни ташкил қилади.

давр	ГКал миқдори	1 ГКал нархи	Суммаси
январ	153,37	162997,55	24 998 934,24
феврал	153,37	162997,55	24 998 934,24
март	153,37	162997,55	24 998 934,24
Жами 2022 й.:	460,11		74 996 802,72

1.3 Умумий сумма 74 996 802,72 сўмни ташкил қилади

74 996 802,72

сўм бюджет маблағларидан
сўм бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан

2. Бошқа шартлар.

2.1. Шартнома бўйича олдиндан келишиб олинган, катта миқдорда ГКал иссиқлик энергиясининг ҳақиқий истеъмолида, "Истеъмолчи" тасдиқланган тарифлар бўйича ўз вақтида тўловни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

2.2 Келишувни амал қилиш муддати: 2022 йил 31 мартгача.

2.3 Ушбу келишув тузилган вақтдан бошлаб Шартноманинг ажралмас қисми бўлади.

2.4 Тузилган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси етказиб бериш шартномасининг қолган шартлари ўзгаришсиз қолади.

3. Томонларнинг манзиллари, банкреквизитлари ва имзолари.

"Етказиб берувчи"
ГУП "TOSHISSIQQUVATI"
Манзил: 100000, Ташкент ш., Фурката кўчаси, 1-уй

Р/с 20210000900118956001

АТИБ "Ипотека банк" Тошкент шаҳар филиали

Банк коди 00419

СТИР 200899030 ХХТУТ 90290

Телефон: 245-36-58

Б.Х. Қодиров

Ижрочи Бураканова Д.К.



"Истеъмолчи"

Шахар Болалар Фтизиатрия сихатгохи
чи Жамшид, 7147
Ушбу 10002180262627073401054001
ИЧН 103497402, ОКАД 86100
Қазоқ. Дир. Фил.
РН 23402000300100001010
РН 74 96 1. Ташкентта
УФД 00019 ИЧН 101122919
тел. 71274 9152

Т. Брач Қурб. Рахимова Ш.С.



Ушатов С.Д.